БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 86 (17.368). • 14 апрель 1979 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

**Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажариш учун курашингиз, ривожланган социализм имкониятларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришга интилингиз!**

# КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил 1 Май ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни — 1 Май!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

3. Яшасин барча мамлакатлар меҳнаткашларининг империализмга қарши, социализм ва коммунизм ғалабаси учун курашдаги қудратли ғоявий қуроли — марксизм-ленинизм!

4. Яшасин совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи — ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин партия билан халқнинг буюк бузилмас бирлиги!

5. Коммунистик партиянинг ва дунёда биринчи социалистик давлатнинг бунёдкори ва раҳбари Владимир Ильич Лениннинг номи ва иши асрлар бўйи яшайверсин!

6. Коммунизм бунёдкори, бутун дунёда тинчлик учун изчил курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

7. Яшасин коммунизм қурилишидаги етакчи куч — Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи!

8. Яшасин коммунизмнинг актив бунёдкори — шонли колхозчи деҳқонлар!

9. Яшасин коммунизмнинг актив бунёдкори — совет халқ зиёлилари!

10. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи!

Совет жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги мустаҳкамланаверсин!

11. Яшасин социалистик Ватанимиздаги барча миллат ва элатларнинг қардошларча дўстлиги ва метиндек мустаҳкам бирлиги!

12. Яшасин дунёда биринчи социалистик умумхалқ давлатининг Асосий Қонуни — Совет Конституцияси!

Яшасин социалистик демократия!

13. Яшасин халқ депутатлари Советлари!

Ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки кенгаяверсин!

14. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажариш учун курашингиз, ривожланган социализм имкониятларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришга интилингиз!

15. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган ҳаракатни кенг авж олдирингиз!

Ленинча, коммунистларча яшаш, ишлаш ва курашишни ўрганингиз!

16. Коммунистлар! КПСС XXV съезди қарорларини бажариш учун, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун умумхалқ курашининг пешқадамлари бўлингиз!

17. Совет касаба союзлари! Давлат ва жамоат ишларини бошқаришда, сиёсий, хўжалик ва социал-маданий масалаларни ҳал этишда актив қатнашингиз! Социалистик мусобақани ва меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатини такомиллаштирингиз!

Яшасин коммунизм мактаби — совет касаба союзлари!

18. Йигит ва қизлар! Коммунизмни сабот билан ўрганингиз! Билим, маданият, профессионал маҳоратни эгаллангиз!

Коммунизм учун актив, онгли курашчилар бўлингиз!

19. Яшасин Коммунистик партиянинг ишончли ёрдамчиси ва жанговар резерви, коммунизм ёш бинокорларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

20. Яшасин коммунизмнинг актив бинокорлари — совет хотин-қизлари!

Ўзининг қайноқ қалб қўрини социалистик Ватанининг бўлажак муносиб гражданлари — болаларни тарбиялашга бағишлаётган оналарга шон-шарафлар!

Бутун Ер юзининг болалари тинч ва бахтиёр бўлсинлар!

21. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликни ҳормай-толмай такомиллаштирингиз, Ватанни, социализмнинг буюк ғалабаларини ҳимоя қилишга доим тайёр турингиз!

Яшасин совет халқи тинч меҳнатининг ишончли посбони, ялпи тинчлик таянчи — шавкатли СССР Қуролли Кучлари!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини, унинг самарадорлиги ва сифатини оширингиз! 1979 йил планини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашингиз!

23. Коммунистик қурилишда пешқадамлик қилаётган илғор коллективларга, беш йиллик зарбдорларига шон-шарафлар!

24. Саноат ходимлари! Ватанимизнинг индустриал қудратини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун курашингиз!

Ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ўзлаштирингиз ва шу қувватлардан самарали фойдаланингиз! Янги техникани, прогрессив технология ва илғор тажрибани жорий этингиз!

25. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантириш учун курашингиз, Байкал-Амур магистрали қурилиши суръатларини кучайтирингиз!

26. Саноат ходимлари! Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни, унинг турларини кўпайтирингиз, сифатини оширингиз!

Совет кишиларининг ортиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондирингиз!

27. Қурилиш ходимлари! Ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ўз вақтида ишга туширингиз!

Замонавий техника асосида соз, тежамли қурингиз!

28. Транспорт ва алоқа ходимлари! Совет кишиларининг эҳтиёжларини тўлиқроқ қондирингиз! Халқ хўжалигига хизмат қилишни яхшилангиз, транспортдан ва алоқа воситаларидан самарали фойдаланингиз!

Транспортчиларнинг меҳнатдаги ҳамдўстлигини ҳар томонлама ривожлантирингиз!

29. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Қишлоқ хўжалигини ҳар тарафлама ва узлуксиз ривожлантириш учун курашингиз! Уни механизациялаш ва химиялаш, ерларни мелиорациялаш суръатларини жадаллаштирингиз, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни ривожлантирингиз!

30. Қишлоқ хўжалиги ходимлари! Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширингиз! Ердан, техника ва ўғитдан, барча моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланингиз!

Меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларига ва янги технологияга — кенг йўл!

31. Колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари! Дон, пахта, қанд лавлаги, картошка ва сабзавот етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтирингиз!

Кўкламги дала ишларини намунали ўтказиш учун, мўл ҳосил олиш учун курашингиз!

32. Қишлоқ хўжалиги ходимлари! Жамоат чорвачилигини ривожлантирингиз, унинг ем-хашак базасини ҳар томонлама мустаҳкамлангиз! Чорва туёғини кўпайтирингиз, унинг маҳсулдорлигини оширингиз, гўшт, сут, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтирингиз!

33. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! РСФСР Ноқоратупроқ зонаси қишлоқ хўжалигини қайта ўзгартириш комплекс программасини амалга ошириш учун актив курашингиз!

34. Қишлоқ хўжалиги, тайёрлов, транспорт, қайта ишлаш, савдо корхоналари ва ташкилотларининг ходимлари! Дала ва фермалар маҳсулотининг ҳар бир килограммини сақлаб қолиниб, халқ фаровонлиги йўлида ишлатилишига эришингиз!

35. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ва уй-жой коммунал хўжалиги ходимлари! Иш сифатини, совет кишиларига хизмат қилиш маданиятини оширингиз!

36. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат интизомини мустаҳкамлангиз, ҳар бир иш минутидан унумли фойдаланингиз! Металл, хом ашёни тежангиз, ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланингиз!

37. Совет Иттифоқи гражданлари! Социалистик мулкни муқаддас билиб эҳтиёт қилиб асрангиз ва кўпайтирингиз! Мамлакатнинг ҳамма имкониятлари ва бойликларидан оқилона, омилкорлик билан фойдаланингиз, жонажон табиатни муҳофаза қилингиз!

38. Халқ хўжалиги мутахассислари! Рационализаторлар ва ихтирочилар! Ишлаб чиқаришни такомиллаштирингиз, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун курашингиз, ҳамма жойда илғор тажрибани жорий этингиз!

39. Совет олимлари! Илмий тадқиқотлар самарадорлигини оширингиз, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлангиз!

Совет фанига шон-шарафлар!

40. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Совет санъатининг партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини баланд кўтарингиз, улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратингиз!

41. Халқ маорифи ходимлари! Таълим самарадорлиги ва сифатини оширингиз! Ёш авлодни коммунизм, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми, ўқишга ва меҳнатга онгли муносабат руҳида тарбиялангиз!

42. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Медицина хизмати сифатини ва маданиятини оширингиз! Медицина фанининг энг янги ютуқларидан яхшироқ фойдаланингиз!

43. Физкультура ва спорт ходимлари, эркак ва аёл спортчилар! Физкультурани совет кишиларининг кундалик ҳаётига жорий этингиз, 80-йилги Москва олимпиадасига тайёргарликни кенг авж олдирингиз!

44. Революция, уруш ва меҳнат ветеранлари! Ёшларнинг мураббийлари! Ёш авлодни совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашда актив қатнашингиз!

45. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Совет Ватанини астойдил севингиз, билимларни ва меҳнат кўникмаларини сабот билан эгаллангиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!

46. Империализмга қарши, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун матонатли курашчилар — коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги марксизм-ленинизм, пролетар интернационализмининг метин негизида мустаҳкамланаверсин!

47. Яшасин халқаро ишчилар синфининг синалган ва қудратли қуроли — пролетар интернационализми!

48. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи! Империализмга қарши курашнинг ҳал қилувчи кучи, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт таянчи — жаҳон социализм системаси ривожланаверсин ва мустаҳкамланаверсин!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидаги қардош партиялар ва халқларнинг бирлиги ҳамда жипслиги!

49. Ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун одилона курашаётган қаҳрамон Вьетнам халқига қардошлик саломи!

Социалистик Вьетнамдан қўлингни торт!

50. Мард Лаос халқига қардошлик саломи! Социалистик жамият асосларини қуриш йўлидан бораётган Лаос Халқ Демократик Республикаси мустаҳкамланаверсин ва гуллаб-яшнайверсин!

51. Демократик ўзгартишлар йўлига ўтиб олган Кампучия халқига қардошлик саломи!

Кампучия Халқ Республикаси мустаҳкамланаверсин ва ривожланаверсин!

52. Озодликни курашиб қўлга киритган, янги жамият қураётган афғон халқига қардошлик саломи!

Совет Иттифоқи ва Афғонистон Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик мустаҳкамланаверсин ва ривожланаверсин!

53. Империализмга қарши, миллий озодлик революциясини амалга оширган Эрон халқига оташин салом!

54. Капиталистик мамлакатларда эксплуатацияга, монополияларнинг зулмига қарши, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун, тинчлик, демократия ва социализм учун фидокор курашчи ишчилар синфига қардошлик саломи!

55. Мустамлакачилик зулмидан халос бўлишга эришган ҳамда миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва социал тараққиёт учун мардона кураш олиб бораётган халқларга қардошлик саломи!

56. Империализмга, ирқчиликка ва янги мустамлакачиликка қарши, озодлик, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун курашаётган Африка халқларига оташин салом!

Жаҳон халқлари! Зимбабве, Намибия, Жанубий Африка халқларининг ирқчилик режимларини батамом тугатиш йўлидаги курашини қўллаб-қувватлашни кучайтирингиз!

57. Империалистик монополияларнинг зўравонлигига қарши, реакция ва фашизмга қарши ўз мамлакатларининг эркин, мустақил, демократик ривожланиши учун мардона кураш олиб бораётган Лотин Америкаси халқларига оташин салом!

58. Фашистлар реакциясига қарши мардона кураш олиб бораётган Чили ишчилар синфига, барча меҳнаткашлари ва демократларига қардошлик саломи!

Истибдодга қарши қаҳрамонона жанг қилаётган Никарагуа ватанпарварлари ва демократларига қардошлик саломи!

59. Халқларнинг озодлиги, демократия ва социализм учун мард курашчилар — қамоқларда ва фашистлар зиндонларида азоб чекаётган кишиларга қардошлик саломи!

Империализм ва реакция тутқинларига озодлик!

60. Замонамизнинг уч асосий революцион кучи — жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатининг қудратли енгилмас иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

61. Исроил агрессияси оқибатларини батамом тугатиш учун, арабларнинг манфаатларига зид сепарат битимларга қарши, Яқин Шарқда одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун курашаётган араб мамлакатларининг халқларига оташин салом!

Жаҳон халқлари! Араб халқларининг империалистик зўравонликка қарши курашини қўллаб-қувватлашни кучайтирингиз!

Совет Иттифоқи ва араб мамлакатлари халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик мустаҳкамланаверсин ва ривожланаверсин!

62. Европа мамлакатлари, АҚШ ва Канада халқлари! Умумевропа кенгаши Якунловчи актининг тўла-тўкис турмушга татбиқ этилишига, Европа тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик ва социал тараққиёт қитъасига айлантирилишига сабот билан эришингиз!

63. Осиё мамлакатларининг халқлари! Тинчликни мустаҳкамлаш, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатлари учун, Осиёда хавфсизликни таъминлаш учун курашингиз!

64. Жаҳон халқлари! Қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, қуролсизланиш учун, янги жаҳон уруши хавфини тугатиш, халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш учун курашни кучайтирингиз!

Тинчлик ва халқлар хавфсизлиги душманлари — империализм ва гегемонизм, милитаризм ва реваншизм кучларининг кирдикорларини фош қилингиз!

65. Жаҳон халқлари! Куч ишлатмаслик халқаро муносабатларда қонун бўлиб қолишига, ядро қуроли эса абадий тақиқланишига эришингиз!

Нейтрон бомба, оммавий қирғин қуролининг ҳамма турларини ишлаб чиқариш планларига қатъият билан қарши чиқингиз!

66. Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати!

Тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги курашнинг КПСС XXV съезди ишлаб чиққан программасини амалга ошираверайлик!

67. Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

68. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

*СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ*

## СОВЕТ ОЛИМЛАРИГА, СОВЕТ ФАНИ БАРЧА ХОДИМЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Бугун Ватанимизнинг олимлари, илмий муассасаларнинг ходимлари ва барча меҳнаткашлари Совет фани кунини тантана билан нишонламоқдалар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Ватан фани ва техникасини ривожлантириш учун ғоят катта истиқболлар очиб берди. В. И. Лениннинг «Фан-техника ишлари планининг лойиҳаси» деган гениал асарида баён этилган ғоялар мамлакатда илм-фан давлат план ташкилотининг асоси қилиб олинди, бутун совет фанини ривожлантириш программаси бўлиб қолди. Жаҳон тарихида биринчи марта фан ва унинг ютуқлари меҳнат аҳлига хизмат қила бошлади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлигида Ленин йўлидан муттасил бораётган, бутун халқнинг меҳр-муҳаббати ва диққат-эътиборига сазовор бўлган илм-фанимиз ҳозирги вақтда мисли кўрилмаган юксакликларга чиқди ва бир қанча етакчи соҳалар бўйича ҳозирги жаҳон фанининг олдинги марраларида туриб, экономика ва маданият тараққиётига, мамлакатимиз мудофаасини мустаҳкамлашга, бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшмоқда.

Олимларнинг олижаноб меҳнати умумхалқ ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлмоқда. Совет фани кунининг белгиланиши бунинг янги далили бўлиб, у катта байрам сифатида, совет олимларининг КПСС XXV съезди қўйган тарихий вазифаларни бажариш борасида эришган ютуқларининг ҳақиқий кўриги сифатида нишонланмоқда.

Ривожланган социалистик жамият шароитида илм-фаннинг роли ва аҳамияти беқиёс даражада ортади. Ҳозирги вақтда совет фани ихтиёрида бўлган жуда кўп малакали олимлар ва мутахассислар СССР Фанлар академиясида, иттифоқдош республикаларнинг фанлар академияларида, тармоқ академиялари, институтлар ва конструкторлик бюроларида меҳнат қилмоқдалар. Совет олимлари коммунистик бунёдкорликнинг ҳамма участкаларида фан-техника тараққиётини бутун чоралар билан тезлаштиришлари, ижтимоий тараққиётнинг актуал проблемаларини ишлаб чиқишда актив қатнашишлари лозим. Ватан фанининг ютуқлари янги хил маҳсулотлар, машиналар ва замонавий технологияда, совет кишиларининг ҳаёти билан, меҳнат ва маиший турмуш шароитларини яхшилаш билан алоқадор ҳамма соҳаларда тез намоён бўлмоғи зарур. Мамлакатимиз интеллектуал потенциалининг муттасил ўсиши, олимларнинг актив ижодий фаолияти, уларнинг халқ олдидаги юксак масъулияти — совет фани бундан буёнги муваффақиятларининг гаровидир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети совет олимлари, барча фан ходимлари янги-янги катта муваффақиятларга эришиб, коммунизм идеаллари тантанаси, инсониятнинг бахт-саодати йўлида Ватанимизни равнақ топтириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

## АВЛОДЛАРНИНГ ШОНЛИ АНЪАНАЛАРИ

Коммунистик шанбаликлар совет кишилари меҳнат зафарларининг таркибий қисми бўлиб қолган. Москва меҳнатчилари 60 йил муқаддам шу ҳаракатнинг ташаббускорлари бўлган эдилар. Пойтахт темирйўлчилари 1919 йилда биринчи шанбалик ўтказишган эди. В. И. Ленин бу ташаббусни «Коммунизмнинг ҳақиқатан бошланиши»нинг куртаклари деб билди, омма ташаббусининг шу шаклини синчиклаб ўрганиш ва такомиллаштириш зарурлигини уқтирди.

Буюк починнинг шонли анъаналарини мамлакат меҳнатчиларининг авлодлари ривожлантириб, давом эттирмоқдалар. 12 апрель куни Союзлар уйининг Колонна залида партия, совет, касаба союз ва комсомол активларининг пойтахт корхоналари ва ташкилотлари коллективлари вакиллари билан биргаликдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш буюк починнинг 60 йиллигига, меҳнатнинг коммунистик шаклларини ривожлантириш вазифаларига, 21 апрель куни В. И. Ленин туғилган куннинг 109 йиллиги шарафига умумхалқ коммунистик шанбалиги ўтказишга бағишланди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин доклад қилди.

Москваликлар КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми қарорларидан, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Бауман округи сайловчилари ҳузуридаги нутқидан келиб чиқадиган қоидалардан руҳланиб, беш йилликнинг тўртинчи йилини зарбдор меҳнат йилига айлантириш, план ва социалистик мажбуриятларни барвақт бажариш, беш йиллик топшириқлари бажарилишини жадаллаштириш мажбуриятини олдилар.

Йиғилиш аҳли КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга баланд руҳ билан мактуб қабул қилди.

Пойтахт меҳнатчиларига қарата чиқарилган мурожаатномада москваликларнинг 21 апрель куни шанбаликни аҳиллик ва уюшқоқлик билан ўтказишга, энг юксак унумдорликка эришишга, шу кунни чинакам коммунистик меҳнат байрамига айлантиришга аҳд қилганликлари билдирилган.

Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих иштирок этди.

(ТАСС).

